

**ПАХТА-ТҮҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ АСОСИДА ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Muxitdinov Shuxrat Ziyaviddinovich

E-mail: muxitdinov85@list.ru

Namangan Institute of Engineering and Technology

Tel +998 91 345 20 50

Otamirzayev Abduqobil Abdurashid O'g'li

E-mail: oabduqobil@gmail.com

Namangan Institute of Engineering and Technology

Tel +998 94 273 53 23

Abduvaliyev Boburshox Ulug'bek O'g'li

E-mail: boburshohfduvaliyev@mail.com

Namangan Institute of Engineering and Technology

Tel +998 99 394 55 50

Мамлакатимизнинг саноат тармоқлари ичида энг катта қўшимча қиймат яратиш бўйича пахта-тўқимачилик саноати алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, тўқимачилик саноати аҳоли бандлигини таъминлашнинг етакчи соҳаларидан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш соҳасининг ўзида деярли 7000 та корхонада 200 мингдан ортиқ ишчи-ходимлар меҳнат қилаётганлиги юқоридаги фикримизнинг далилидир. Пахта-тўқимачилик саноати Наманган вилояти саноатининг энг ривожланган тармоқларидан бири ҳисобланади. Вилоят учун бу тармоқни янада ривожлантиришнинг муҳимлиги, биринчи навбатда маҳаллий хом-ашё базасининг мавжудлиги, шунингдек, нисбатан юқори меҳнат сигимлилиги билан боғлиқ. Бу эса бандлик ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш каби муаммолар ечимини топиши нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан 2022 йилда вилоятнинг 10 та туманидаги 63406 гектар ер майдонида пахта хом-ашёсини етишитирувчи барча фермер хўжаликлари тўлалигича кластер корхоналарига бириктириб берилди.[1]

2023 йилга келиб вилоятда 7 та пахта-тўқимачилик кластер корхоналари фаолият юритиб келмоқда ва улар қуидагилар: "Art Soft Holding" МЧЖ, "Namangan To'qimachi" МЧЖ, "Toshbuloq Teks" МЧЖ ҚҚ, "Namangan Paxta Teks" МЧЖ, "Textile Finance Namangan" МЧЖ, "Uchkurgan Textile" ҚҚ МЧЖ, "Iftixor Kiym Sanoat" МЧЖ.

Наманган вилоятида ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластерлари ўз олдига қўйган мақсадларини амалга ошириш учун қуидаги вазифаларни

бажаради:

- 1). Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг стратегик ва устивор йўналишларини белгилаш ҳамда мувофиқлаштиришни самарали тизимлари ва усулларини жорий этиш;
- 2). Хорижий мамлакатлар ва корхоналар билан иқтисодий, техникавий, технологик ва сармоявий ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- 3). Пахта-тўқимачилик маҳсулотларига ички ва хориж бозорларидаги талаб ва таклифни мунтазам ўрганиб бориш асосида рақобат стратегиясини белгилаш;
- 4). Кластер таркибидаги тадбиркорлик корхоналари фаолиятига янги технологиялар ва менежментнинг илғор усулларини жорий этиш;

Кластерларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш жарёнларида уларни сифати бузилишининг ҳам олди олинади ҳамда бу жарёнларга хизмат қиласидаги инфратузилмалар тизими шаклланади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги “Наманган вилоятининг Мингбулоқ ва Поп туманларида агросаноат кластерларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти 736-сонли қарорига асосан “Art soft Holding” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.[2] Бундан кўзланган мақсад Наманган вилоятининг аграр тармоғини янада ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш, илғор технологияларга асоаланган инфратузилмаларни яратиш, иқтисодий ва экспорт салоҳиятини ошириш, ягона технологик занжирга бириклилган корхоналар мажмуини ташкил этиш орқали вилоятда етиштирилган қишлоқ хўжалги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, янги иш ўринларини яратиш ва тармоқда меҳнат унумдорлигини оширишdir.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кластер миқёси қанчалик кенг бўлса, унинг имкониятлари юқори бўлади ва иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятлари кенгаяди. Наманган вилоятida пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини баҳолашда ва иқтисодий самарадорлик даражасини аниқлашда қўйидаги омилли кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

❖ Молиявий омиллар бўйича:

-кластер таркибига кирувчи корхоналар фойдасини кўпайтириш-соф фойда;
-корхонада ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш-сотилган маҳсулотлар ҳажмида харажатларни ҳиссаси, 1 сўм сотилган маҳсулот учун срафланган харажатлар. Маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари-бу корхонанинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини амалга оширишда зарур бўлган омиллар учун сарфланган маблағларнинг пулда акс эттирилишидир. Улар маҳсулот таннархи кўрсаткичидаги намоён бўлиб, барча моддий харажатлар,

маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларининг пулдаги ифодасидир.

-пахта-тўқимачилик кластерлари маҳсулотларини миллий ва жаҳон тўқимачилик бозоридаги ҳиссасини ортиши ва маҳсулот сотишдан олинадиган даромад миқдори.

❖ Ички ва ташқи бозордаги харидорлар омили бўйича:

-пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан сотилган товар маҳсулотлари миқдори ва ундан олинадиган даромад миқдори.

❖ Пахта-тўқимачилик кластерларида ички ишбилиармонлик муҳити:

-кластерлар томонидан замонавий ва янги асбоб-ускуналар сотиб олиш - шунингдек, асосий капиталнинг баланс қиймати;

-корхона харажатларини камайтириш чора-тадбирлари тизимини жорий этиш- ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархида операцион харажатлар ҳиссаси;

-корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркиби ва ассортименти- маҳсулот турларини янгилаш ҳолати;

❖ Пахта-тўқимачилик кластерларида таълим ва кадрлар салоҳиятини ошириш;

-кластерлар таркибига кирувчи корхоналардаги мавжуд меҳнат жамоаларини сақлаб қолиши-ишчи ходимлар сони;

-корхонада меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақини ошириш ўртасидаги оптималь нисбатни таъминлаш-1 ишчига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми ва унга ўртacha иш ҳақи миқдорини мутаносиблиги;

-корхонада меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг ўз ишидан қониқиши даражасини ошириш-ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келадиган салбий ҳолатлар олдини олиш;

Бугунги кунда пахта-тўқимачилик кластерларини ривожланишига ва уларни иқтисодий самарадорликка эришишларига таъсир этувчи юқоридаги омилларни эътиборга олган ҳолда фаолияти йўлга қўйиб борилмоқда. Натижада вилоятидаги пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан пахта хом-ашёсини етиштириш ва уни чукур қайта ишлаш асосида тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уни миллий ва жаҳон бозорларида сотиш имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Шунингдек, пахта-тўқимачилик кластерлари қишлоқ жойларида янги иш ўринларини яратиб, аҳолини мунтазам даромад олишларини таъминламоқда. Буларни барчаси пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш, ривожлантириш ва иқтисодий самарадорликка эришишига таъсир этувчи омилларни аниқ белгиланганлигини ва уларни илмий ҳамда иқтисодий жиҳатидан аниқ асослаб берилганлигини натижасидир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2018 йил 19 сентябрь, 744-сонли қарор. <https://lex.uz/>.
2. “Наманган вилоятининг Мингбулоқ ва Поп туманларида агросаноат кластерларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 сентябрдаги 736-сонли қарори. <https://lex.uz/>.